

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУЗИЛМАСИ
СИФАТИДА КАФЕДРА

Элбек Дехқонов
Ўзбекистон Миллий университети
мустақил изланувчиси

Аннотация

Муаллиф мазкур мақолада кафедранинг илмий-таълим мухитида, турли профилда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимидаги тутган ўрни ва ахамиятини очиб берган. Шунингдек, ислохотлар шароитида таълим ташкилотлари тузилмасида кафедра тузилмасини янада ривожлантириш бўйича замонавий ёндошувларни таклиф этган.

Калит сўзлар: таълим ташкилоти, ректорат, деканат, кафедра, ўқув фаолияти, ўқув-услубий фаолият, илмий-тадқиқот ишлари, таълим ташкилотининг устави, таълим ташкилотининг ички тартиб қоидалари, кафедра низоми.

Аннотация

В данной статье автор раскрыл роль и значение кафедры в научно-образовательном пространстве, в системе подготовки высококвалифицированных специалистов различного профиля. Изложены современные взгляды на дальнейшее развитие кафедр в структуре образовательных организаций в условиях реформы.

Ключевые слова: образовательная организация, ректорат, деканат, кафедра, учебная деятельность, учебно-методическая деятельность, научно-исследовательская работа, устав образовательной организации, правила внутреннего распорядка образовательной организации, положение кафедры.

Abstract

In this article, the author reveals the role and importance of the department in the scientific and educational space, in the system of training highly qualified specialists of various profiles. Modern views on the further development of departments in the structure of educational organizations in the context of reform are presented.

Key words: educational organization, rector's office, dean's office, department, educational activities, educational and methodological activities, research work, charter of the educational organization, internal regulations of the educational organization, department regulations.

Кириш

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълим сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу шубҳасиз, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада кенг кўламли ислоҳотлар бошланиб, соҳада жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, вазифалари, яқин ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилашда ҳамда соҳага доир дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун муҳим асос бўлди. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун [1.] эса ушбу соҳа тараққиётида, ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашида ҳеч шубҳасиз, янги илм уфқларни очиб беришга хизмат қилмоқда.

Нобель мукофоти лауреати машҳур америкалик футуролог Элвина Тоффлернинг таъкидлашича XXI асрда билим —“Тараққётнинг ёқилғиси” га айланиб бормоқда. [2.] Билимларни, яъни ёқилғини етказиб беришнинг механизми бу ОТМларнинг энг асосий тузилмаларидан бири бўлган кафедралар хисобланади.

Маълумки кафедра тушунчаси (грек тилидан олинган бўлиб **кафедра**, яъни, ўтириш учун жой деган маънони билдиради) эрамиздан аввалги II асрда Қадимги Грецияда ҳуқуқ, риторика, фалсафа, тиббиёт, архитектура кафедралари сифатида ташкил топган. Бугунги кунда эса кафедра олий таълим ташкилотларининг энг асосий тузилмаси сифатида эътироф этилади.

Сўнги йилларда олий таълим тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди, яъни олий таълим тизими модернизация қилинмоқда. Олий таълим тизимининг

тузилмаси ўзгариб бормоқда (классик университетлар, миллий тадқиқот университетлари, университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактаблар ташкил этилмоқда).

Кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизими (бакалаврият, магистратура, докторантура) жорий этилди. Университетларда янги таркибий бўлинмалар (институтлар, илмий-амалий марказлар, илмий-таълим марказлари, илмий марказлар, технопарклар ва ҳоказолар) ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси ва олий таълим тизимидаги катта ўзгаришлар бўлса ҳамки кафедра олий таълим ташкилотларининг энг асосий ўқув ва илмий бирлиги бир сўз билан айтганда асосий механизми бўлиб қолмоқда.

Мазкур мақолада олий таълим ташкилотининг тузилмаси сифатида кафедра фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишлари ва уларнинг мазмун моҳияти ёритиб берилган.

Тадқиқот методлари

Тадқиқот жараёнида олий таълим ташкилотининг тузилмаси сифатида кафедра фаолиятига оид бўлган адабиётларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек кафедра фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

Муҳокама ва мунозара

Кафедра – олий таълим ташкилоти ёки факультет тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, ўқув-услубий, илмий - тадқиқот ишлари, шунингдек, илмий ва илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширадиган энг асосий механизм.

Кафедра ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий таълим, фан ва инновация вазирлигининг буйруқлари ва Олий таълим ташкилоти устави ҳамда кафедра тўғрисидаги Низом асосида ташкил этади.

Кафедраларни вужудга келиш тарихига оид тадқиқотлар О.Ю.Аксенов, Т.В.Андрюшин, М.В. Бабкин, Т.К.Баженов, Т.Н.Балобанов, А.О.Бороноев,

Н.В.Вишняков, М.Б.Глотов, Т.Г.Гребенников ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Олий таълим ташкилотларида кафедра фаолияти ва уларни хусусиятларига оид (масалан: харбий, техник, педагогик, санъат ва хоказолар) масалалар А.Ш.Апишев, А.Д.Жарков, Е.И.Куликов, Д.П.Тевс, О.Г.Устичев, Н.С.Чекалкин ва бошқа олимларнинг илмий ишларида таҳлил этилган.

Ўз навбатида илмий адабиётларда кафедра фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш масалалари О.А.Шальнов, М.В.Зинцов, Н.В. Солово, С.Н.Яшкин, Н.М.Савинлар томонидан, кафедра фаолияти ва самарадорлигини оширишда кафедра мудирининг ўрни ва роли Т.Н.Иванов, И.Н.Мельников, С.Д.Резник, О.А.Сазыкин, О.Н.Широков ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритиб берилган. [3.]

Бугунги кунда олий таълим ташкилотларида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг шаклланиши ва унинг амалга оширилиши борасида кафедрага қўйилаётган талаблар В.Р.Топилдиев, Э.Дехқоновларнинг тадқиқотларида ўз мужассамини топган. [4,8].

Кафедранинг асосий вазифаларига қуйидагилар:

Барча ўқув шакллари бўйича Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган Малака талаблари, ўқув режаларида белгиланган маърузалар, семинарлар, амалий машғулотлар, лабораториялар ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш;

Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига, битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назоратини жорий этиш ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

Дарслик, ўқув қўлланма, услубий ва методик кўрсатмаларни тайёрлаш;

Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;

Белгиланган тартибда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда уларнинг Республика ҳамда ҳалқаро илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этишини таъминлаш;

Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокамадан ўтказиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада мустақил тадқиқотчиликни ўтаганлар мониторингини олиб бориш ва улар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳақозолар киради.

Олий таълим ташкилотларида кафедралар асосан икки турга бўлинади:

Мутахассис чиқарувчи кафедралар;

Хизмат кўрсатувчи кафедралар.

Бугунги кунда олий таълим ташкилотларида кафедра билан ишлашнинг қуйидаги механизмлари мавжуд:

РЕКТОРАТ --- ДЕКАНАТ --- КАФЕДРА

РЕКТОРАТ --- КАФЕДРА

Мазкур механизмлар бўйича кафедралар ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, Устоз-шогирд, ҳамкорлик алоқалари, миллий ва халқаро рейтингда иштирок этиш, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш борасида ўзларининг олдига қўйган вазифаларни ижросини таъминлаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Кафедра низоми;

2. Кафедранинг йиллик ва 5 йилга мўлжалланган стратегик режалари;

Кафедра штатлар жадвали;

Кафедранинг ўқув юкламалари;

Кафедрада ўқитиладиган фанлар, уларнинг фан дастурлари, силлабуслар;

Кафедрада ўқитиладиган фанларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати;

Кафедрада ижро интизоми (ОТМ Кенгаши қарорлари ва ОТМ ректори буйруқлари)

. Кафедра баённомалари;

Кафедрада магистрларнинг шахсий режаларининг бажарилиш ҳолати, ҳисоботлари;

Кафедрада докторантларнинг шахсий режаларининг бажарилиш ҳолати, ҳисоботлари;

.Кафедрада халқаро ва маҳаллий рейтинг бўйича кафедрада амалга оширилган ишлар;

.Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан очик лекциялар, маҳорат дарслари, очик дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш, ўзаро дарсларга кириш ҳолати;

Кафедрада малака ошириш ва стажировка режаларининг бажарилиши ҳолати;

5.Кафедра томонидан ташкил этиладиган малакавий амалиётларнинг низомлари, дастурлари, ҳисоботлари ва ўтказилиш ҳолати;

16.Кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув контентларини **HEMIS** платформасига жойлаштирилганлик ҳолати;

17.Кафедрада маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилганлик ҳолати;
Кафедра фанлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини тахлили;

19. Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш ҳолати;

.Кафедрада фаолият олиб бораётган педагог ходимларни рағбатлантириш, доцент ва профессор вазифасини бажарувчи лавозимига ўтказиш ҳолати;

.Ўқув жараёнига ўриндошлик (ички ва ташқи) асосида ишга олинганлар профессор-ўқитувчилар томонидан дарс жараёнларини олиб бориш ҳолати ва хоказоларга.

Бизнинг фикримизча, олий таълим ташкилотларида кафедра фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўз навбатида кафедрага қўйилган талаблар, олий таълим соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ҳамда олий таълим ташкилотларидаги бошқарув тизими хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Олий таълим ташкилотларида кафедра фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, кафедранинг иш юритиш ҳужжатлари, кафедра мудирига қўйилган талаблар, кафедрага юклатилган мажбуриятлар айрим тадқиқотчилар томонидан аатрофлича тахлил этилган.[5,6,7,9,10].

Хулоса

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, кафедра бу олий таълим ташкилотининг бирламчи асосий бўғини бўлиб, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни рўёбга чиқарадиган, талабаларнинг танлаган соҳасини малакали мутахассиси, ҳамда касбий тайёргарлик сифатини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Олий таълимда кафедра фаолиятининг анъанавий тарзда ташкил этилган ҳар бир йўналиши (ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, устоз-шогирд ва хоказолар) талабаларнинг, ҳам касбий ҳам умумкасбий компетенцияларини шакллантиришда бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда олий таълим ташкилотларида кафедра фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, олий таълим ташкилоти тузилмасида кафедранинг ҳуқуқий мақомини кўтариш;

иккинчидан, олий таълим ташкилотларида кафедра фаолиятини тартибга солувчи ягона меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ва унда кафедра мудирининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш;

учинчидан, олий таълим ташкилотида ички ҳужжатлар айланиш тизимини оптималлаштириш ва кафедранинг мажбурий ҳисобот ҳужжатларини минимум даражага тушириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон (34-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-957-сонли Қонуни таҳририда - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.09.2024 й., 03/24/957/0689-сон).

2. Тоффлер Э. Футурошок / Э. Тоффлер. -СПб.: Лань, 1997.

3. Воскресенко О.А., Сергеева С.В. Кафедра как учебно-научное подразделение вуза и фактор профессиональной подготовки обучающихся // Современные наукоемкие технологии. 2021. № 10. С. 125-129;

**“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC
INNOVATIVE RESEARCH”**

Volume 02. Issue 06. June 2025

4.Топилдиев В.Р., Дехқонов Э., Олий таълим тизимининг норматив-хуқуқий асослари. –Т., 2023. -194 б.

5.Топилдиев В.Р. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим соҳасига оид фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида айрим мулоҳазалар // “Мирзо Улуғбек буюк мутафаккир олим ва давлат арбоби” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. –Т., 2024. 1057-1065 бетлар.

6.Топилдиев В.Р. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. *Илмий хабарнома, АДУ, №2 2017 йил.* 48 б.

7.Топилдиев В.Р. Масофавий таълим хусусида айрим мулоҳазалар. 2023. *Journal of Integrated Education and Research*, 2 (2), 51-60 бетлар.

8.Топилдиев В.Р. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари. – Тошкент., 2018. 356. Б.

9.Топилдиев В.Р. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг меъёрий-хуқуқий таъминоти хусусида айрим мулоҳазалар // *Современное образование*, 2017. (6), 8-14.

10.Topildiyev V.R. Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim va tarbiya jarayonlarini tashkil etishning o’ziga xos muammolari. *Sotsiologiya va huquq*, *Ilmiy jurnali* 2-сон, 11-21 бетлар.

11.Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-хуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик хуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.

**Research Science and
Innovation House**